



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 14 февраль, № 31 (9202)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЁТДА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИАТЛАР ИШГА СОЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилиш аввалида ўтган йилги макро-иқтисодий натижалар қайд этилди. Мамлакатимиз ялли ички маҳсулоти ҳажми 7,7 фоизга ўсиб, 147 миллиард доллардан ошди. Иқтисодий ўсишнинг яримдан кўли хизматлар ҳисобига таъминланди. Қишлоқ ҳўжалигида гектари-дан ўртача даромад 4,5 мингдан 5 минг долларга кўпайди, меҳнат унумдорлиги 4,7 фоизга ошди.

Иқтисодиётга илғор, энергия тежамкор технологиялар кириб келаётгани ҳамда юқори қўшилган қиймат берадиган лойиҳалар кўпайиб бораётгани натижасида бир йил ичида бир долларлик қўшилган қиймат яратишга сарфланган энергия харажатлари 15 фоизга камайди.

Президентимиз 2026 йил учун белгиланган кўрсаткичларга тўхталиб,

6,6 фоизли иқтисодий ўсиш орқали ялли ички маҳсулот ҳажмини 167 миллиард долларга етказиш режаси геосиёсий ва-зият ва иқтисодий тебранишларни ино-батга олган ҳолда шакллантирилган эҳтиёткор прогноз эканини таъкидлади.

Шу билан бирга, ҳар бир ва-зир, ҳоким ва тармоқ раҳбари соҳасига ян-гича бошқарув олиб кириб, ресурслар-дан самарали фойдаланса, аънавий экспорт бозорларига боғлиқ қолмас-дан янги йўналишлар очса, рақам-лаштириш ва сунъий интеллект бўйича мутахассисларни жамлаб, инновациялар киритса, ёшларни жалб этиб, "старт-ап клуб"лар ташкил этса, иқтисодий ўси-шни янада юқори суръатларда таъмин-лаш учун барча имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда стратегик корхоналар самарадорлиги ва харажатларни қисқартириш масалалари ҳам атрофли-ча муҳокама қилинди.

Миллий инвестиция жамғармасини бошқаришга жалб этилган "Franklin Templeton" компанияси таҳлилига кўра, корпоратив маданиятни кучайтириш, логистика, рақамлаштириш ва энергия самарадорлигида катта заҳиралар мав-жуд. 19 та стратегик корхона раҳбар-ларига харид тизими, логистика, ра-қамлаштириш ва энергия самарадорли-ги бўйича кескин чоралар кўриб, таннархни 10 — 15 фоизга қисқарти-риш вазифаси қўйилди.

— Иқтисод қилиш режаси ишлаб чиқаришни камайитириш ҳисобидан эмас, балки маҳсулот таннархини

қисқартириш орқали таъминлиниши шарт, — деди Президентимиз.

Шунингдек, стратегик корхоналарни "Ягона газначилик" ахборот тизими билан қамраб олиш, харидларни риск-таҳ-лил асосида тоифалаш орқали самара-сиз харажатларга чек қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳудудий саноатни ривожлантиришдаги камчиликлар кескин танқид қилинди. Уч йилда республика саноати 21 фоиз ўсган бўлса-да, қатор туманларда бу кўрсаткич 10 фоизга ҳам етмагани, айрим ҳудудлар-да кредит ресурслари ва инвестициялар-нинг ўсиши саноат ўсишига мутаносиб таъ-сир кўрсатмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига 12 та туманга бориб, бир ой жойида ишлаш, ишлаб чиқари-

ши пасайган корхоналарни "оёққа тур-ғазил" ва ушбу туманларда саноат ўси-шини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Умуман, республика саноатини ками-да 8,5 фоизга ўстириш бўйича тармоқ-бай ва ҳудудбай режаларни тасдиқлаш, биринчи чорак якунида аниқланган му-аммолар ва уларнинг ечимига қараб, раҳ-барлар фаолиятига баҳо бериш белги-ланди.

Юртимизда йилига 650 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш қуввати эга 4 та йирик корхона мавжудлиги, бу йил 300 дан зиёд маҳаллий корхона-нинг ўсиши саноат ўсишига мутаносиб таъ-сир кўрсатмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига 12 та туманга бориб, бир ой жойида ишлаш, ишлаб чиқари-

лантириш мақсадида автокредит став-каларини пасайитириш ва ҳажмини оши-риш чораларини кўриш топширилди.

Инвестицияларни жалб этиш ва лойиҳаларни самарали амалга ошириш бўйича янги бошқарув ёндашувлари белгиланди.

Жорий йил 50 миллиард доллар хо-рижий инвестиция олиб келиш режаси қўйилгани, янги лойиҳалар, биринчи навбатда, юқори қўшилган қийматли ва экспортбop маҳсулот ишлаб чиқаришга, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда юқори даромадли иш ўринлари яратишга хизмат қилиши зарур-лиги таъкидланди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ДРАЙВЕРЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНТИРИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 13 февраль куни Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманига ташриф буюриб, электротехника саноати технопаркдаги корхоналар фаолияти билан танишди.

Дастанли манзил юқори кучли кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Enco Group" корхонаси бўлди.

Мамлакатимизда энергетика тармоғини жа-дал модернизация қилиш, янги электр станция-лари ва нимстанциялар қуриш, магистраль тар-моқларни янгилаш ҳамда қайта тикланувчи энер-гия манбаларини кенг жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли сонининг ўсиши натижасида электр энергиясига бўлган эҳтиёж ортиб бораётгани юқори кучли кабель электр узатиш тармоқларини ривожлантириш-ни тақозо этмоқда. Шу боис юқори кучли ка-бель маҳсулотларига ички ва ташқи боз-орларда барқарор талаб шаклланоқда.

Фаолияти ушбу талабни қондиришга қаратилган "Enco Group" корхонаси Беларусь Республикасининг "Энергокомплект" компа-нияси билан ҳамкорликда "Eltech Industrial" техно-парки ҳудудида 21 гектар майдонда барпо этилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 60 миллион долларни ташкил этади. Корхона

тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг 600 га яқин иш ўринлари яратилади.

Лойиҳа икки босқичда амалга оширилмоқда. Корхона йилига 25 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариши, экспорт салоҳияти 300 миллион дол-ларни ташкил қилиши кутилмоқда.

Айни пайтда қурилиш ишларининг биринчи босқичи 98 фоизга якунланган, 10 миллион дол-лардан ортқ инвестиция ўзлаштирилган. Кор-хона маҳсулотларини Германия, Латвия, Эсто-ния, Болгария ва МДҲ давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган бўлиб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йиллик экспорт ҳажми 140 ми-лион долларга етиши тахмин қилинмоқда.

Ўтган йилги мамлакатимизга 400 миллион дол-ларга яқин юқори кучли кабель маҳсулот-лари ва изоляцияланган мис шиналар импорт қилинган. Корхона тўлиқ ишга туширилгандан кейин 150 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи шундай маҳсулот ишлаб чиқариш им-конияти яратилади.

Марказий Осиёда бундай йўналишда фаоли-ят юритаётган 12 та корхонанинг 4 таси Ўзбекис-

тон ҳиссасига тўғри келади. Бу мамлакатимизда электротехника саноати босқичма-босқич юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоққа айла-наётганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарига корхонанинг келгу-сидаги ривожланиш режалари, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайитириш ҳамда маҳаллийлаштириш да-раматини ошириш бўйича таклифлар тақдимот қилинди.

Президентимиз саноат кооперациясини кен-гайтириш, маҳаллий саноатдан самарали фой-даланиш, илғор технологияларни жорий этиш ҳамда экспортбop рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кучайтириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Оҳангарон туманидаги "Vades Group" компанияси томони-дан амалга оширилаётган юқори технологияли лойиҳа билан танишди.

Мазкур корхонада идентификация учун мўлжалланган микропроцессор модуллари, сим-карталар, шунингдек, транспорт, ижтимоий ва

ҳалқаро тўлов карталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 январда "Электротехника саноати-ни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш-га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ҳужжатда электротехни-ка саноати ва унга ёндош соҳаларни ривож-лантириш, юқори технологияли ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш-ни рағбатлантириш борасида вазифалар белги-лаб берилган.

Шунга мувофиқ корхона рақамли давлат хиз-матларини жорий этиш, фуқароларнинг кунда-лик эҳтиёжлари учун қулай ва хавфсиз тўлов тизимларини шакллантириш зарур бўлган во-ситаларни ишлаб чиқаради.

Германиянинг "Infineon technologies" компа-нияси билан ҳамкорликда "Eltech Industrial" технопарки ҳудудида ташкил этилаётган кор-хонанинг умумий қиймати 15 миллион дол-ларга тенг.

Айни вақтда қурилиш ишларининг иккинчи

босқичи ўн беш фоизга бажарилиб, 7 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган.

Ҳудуди 4 гектар майдонни эгаллаган замонавий микропроцессор модуллари, сим-карталар ва турли тўлов карталари импорт қилинган.

Мазлумот ўрнида айтиш мумкинки, 2025 йил давомида мамлакатимизга 35 миллион доллар-лик микропроцессор модуллари, сим-карталар ва турли тўлов карталари импорт қилинган. Мазкур корхона тўлиқ ишга тушиши ҳисобига 5 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бозордаги таннарх уч — беш фоизга пасайиши кутиляпти.

Замонавий корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар Қозғонистон, Тожикистон, Қирғи-зистон ҳамда Мозамбик, Камбоджа каби қатор давлатларга экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари МДҲ давлатлари орасида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича учинчи ўринда бўли-ши кутилаётган ушбу корхонада яратилаётган шарт-шароитлар, технология ишлаб чиқариш жараё-нлари билан яқиндан танишди.



Сенат қўмитасида

ҲУЖАЙРА ТЕРАПИЯСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

Дастанли Сенатнинг 9-ялли мажли-сида рад этилган "Ўзбекистон Респуб-ликасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатлан-ган ҳажмига қараганда фармацевтика кўрсатиш, шунингдек, тиббиёт ва фар-мацевтика ходимларининг касбий фао-лиятини амалга ошириш тизимини та-комиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"-ги қонунга, жумладан, унинг қайта иш-

ланиб тақомилига етказилган норма-ларга эътибор қаратилди.

Ушбу қонун билан "Фуқаролар соғли-гини сақлаш тўғрисида"ги ҳамда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунларга бирламчи тиб-бий-санитария ёрдами муассасаларида қўшимча хизматлар ҳисобланадиган тиб-бий ёрдам турлари белгиланишини на-зарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.



Нуктаи назар

ХАЛҚ ИШОНЧНИ ҚОЗОНАЁТГАН ЛОЙИҲА

Мамлакатимиз ҳудудларини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар ҳақида гап кетганда, айниқса, "Ташаббусли бюджет" масаласига алоҳида тўхта-либ ўтиш лозим. Чунки "Ташаббусли бюджет" шунчаки молиялаштириш ме-ханизми эмас, балки у фуқароларнинг мулқ таъломи, халқ дарди ифодаси, йил-лар давомида йиғилиб қолган муаммоларнинг самарали ечимидир.

2021 йилда "Ташаббусли бюджет" 14 та туман (шаҳар)да тажриба тариқа-сида биринчи марта жорий этилди, 2022 йилдан бошлаб эса барча туман ва шаҳарларда маҳаллий бюджет харажат-ларининг 5 фоизи ушбу жараёнга йўнал-тирилди. Ва умуман, 2021 — 2025 йил-лар давомида 17 трлн. сўмлик 18 ми-лион ортқ лойиҳалар амалга оширилди. Масалан, 4 мингта ички йўллар, 5 ми-нг-

та мактаб, 2 мингта тиббиёт муассасаси таъмирланди, қайта жиҳозланди, шунинг-дек, 1 мингта яқин замонавий маҳалла бинолари барпо этилди.

Кейинги йилларда эса бу борада катта тажриба тўпланиб, у тақомиллашиб борди. 2026 йилдан бошлаб депутат ташаббуси лойиҳаси институти, шеркжик асосида мо-лиялаштириш (50X50 ва 75X25) тартиблари жорий этилди.



МОЛИЯВИЙ ЮКСАЛИШ — СТРАТЕГИК ТАНЛОВ

Президентимиз раислигида кеча бўлиб ўтган йиғилишда мамлакат иқти-содий тараққиётидаги муҳим йўналишлар, эришилган натижалар ва кўрсат-кичлар билан бир қаторда эътибордан четда қолган айрим масалаларга аҳамият қаратилиб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ўтган йил якунлари билан мамлакат ялли ички маҳсулоти 7,7 фоизга ўсиб, 147 миллиард доллардан ошгани таъ-кидланди. Айтиш мумкинки, мазкур ра-қамлар ортида минглаб корхоналардаги модернизация жараёнлари, янги инвес-тиция лойиҳалари, замонавий техноло-гияларни жорий этиш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган тизим-ли ислохотлар турлибди.

Айниқса, иқтисодиётга энергетика-

кор ва илғор технологияларни кенг жо-рий этиш натижасида бир долларлик қўшилган қиймат яратишга сарфланган энергия харажатлари 15 фоизга камай-ган. Бу иқтисодий ўсиш фақат ҳажм жи-ҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам таъминланаётганини аниқлатади. Зеро, бугунги дунёда арзон ва самарали иш-лаб чиқаришга эришмаган мам-лакат глобал бозорда муста-кам ўрин эгаллай олмайди.



ИҚТИСОДИЁТДА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНАДИ

Вазирлар ва ҳокимларга 2026 йилги инвестиция дастурига киритилаётган ҳар бир лойиҳанинг бозори, экспорти, қўшилган қиймат ва яратадиган иш ўринларини тўлиқ таҳлил қилиш топширилди.

Эндиликда инвестиция лойиҳалари билан ишлашда лойиҳани ишга тушириш билан чекланиб қолмасдан, унинг тўлиқ ишлаши, юқори қўшилган қиймат яратиши ва ташқи бозорга чиқиши бўйича ҳам қатъий назорат ўрнатилди. Шу мақсадда дастурга кирган ҳар бир лойиҳани ишга тушгандан кейин уч йил давомида мониторинг қиладиган "Ягона миллий лойиҳа бошқаруви" платформаси яратилди.

Утган йили турли ташкилий муаммолар сабаб 55 та йирик лойиҳа кечиккани қайд этилиб, бу йил қиймати 165 миллиард долларлик 377 та стратегик лойиҳа алоҳида назоратга олиниши белгиланди.

Шунингдек, хорижий таширлар доирасида 135 миллиард долларлик келишувларга эришилгани, жорий йилнинг ўзига Туркия билан 9 миллиард, Покистон билан 1 миллиард 428 мил-

лион долларлик инвестиция битимлари имзолангани маълум қилинди.

Инвестицияларнинг кўпайиши ҳисобига қурилиш ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди. Мутасаддиларга жорий йилги қурилиш ҳажмини 400 триллион сўмга олиб чиқиб, соҳада камида 17 фоиз ўсишни таъминлаш топширилди. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси учун бюджетдан 40 триллион сўм ажратилаётгани қурилиш, қурилиш материали, металлургия ва электротехника корхоналари учун катта бозор экани қайд этилди.

Шу билан бирга, ҳудудлардаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниялари назоратини кучайтириш, Қорақалпоғистон, Самарқанд ва Фарғона буюртмачи хизматлари тарихида тарихида хусусий секторни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Энергия самардорлигини ошириш масалалари бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар берилди.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг йиллик энергия истеъмоли катталиги ҳисобга олиниб, бу тоифадаги корхоналарда энергия самардорлик бўйича

янги тизим жорий этилиши ва уч йиллик дастур ишлаб чиқиши белгиланди. 2026 йилда кичик ва ўрта корхоналарда 100 миллион кубометр газ ва 500 миллион киловатт-соат электрни тежас чораларини кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, республикадаги 917 миңга ёритиш чироқларининг йилига 330 миллион киловатт-соат электр сарфлаётгани ва кундуз куну ҳам ёниқ қолиш ҳолатлари учраётгани кўрсатилаётгани, ёритиш устунларига кичик қуёш панели, батарея ҳамда кун ёришига қараб ўзи ўчиб-ёнадиган датчик ўрнатилиши бошлаш топширилди.

Йиғилишда давлат ҳаридларида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улушини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, 300 триллион долларлик давлат харидларида маҳаллий маҳсулотлар улуши 68 фоизга етган бўлса-да, Олмалик комбинати, "Узтрансгаз", "Миллий электр тармоқлари", "Uzbekistan Airports" ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" тизимларида бу кўрсаткич 40 фоизга ҳам етмаётгани кўрса-

ти ўтилди. Шунингдек, тадбиркорлар давлат хариди, экспертиза ва сертификатлаш жараёнларида бюрократия кўплиги, айрим раҳбарлар эса "чет элники сифатлироқ" деган эски қарашдан ҳали ҳам воз кечмаётганини айтмоқда.

Энди вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимлар ҳар бир лойиҳада музокара, тендер, қурилиш ҳамда хомашё таъминотининг барча босқичларида маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтиришга шахсан жавоб бериши белгиланди.

Иқтисодий ўсишни ташқи бозорлар ҳисобидан таъминлаш масаласи йиғилишнинг алоҳида йўналиши бўлди.

Президентимиз "ички бозордаги талабнинг ўзи билан юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмаганини" таъкидлаб, вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг асосий вазифаси янги маҳсулотлар билан янги бозорларга кириб бориш бўлиши зарурлигини қайд этди.

Утган йили экспорт 22 фоизга ўсиб, 24 миллиард долларга етган бўлса-да, кўп раҳбарлар экспортда эскича иш усулидан воз кеча олмаётгани мисол-

лар билан кўрсатиб ўтилди. Эндиликда экспорт бўйича талаб фақат ҳажм эмас, балки янги маҳсулот ва янги бозорлар бўйича ҳам бўлиши белгиланди.

Ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, инфляцияга таъсир қилувчи омилларни олдиндан аниқлаб, амалий ечим топиш вазифалари ҳам белгилаб берилди.

Январь ойида йиллик инфляция 7,2 фоизни ташкил этгани, инфляциянинг 45 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, 13 фоизи гўшт нархи ҳисобидан шаклланиши қайд этилди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридagi Тармоқ бозорлари ва меҳнат ўнмдорлиги марказига инфляция бўйича ички ва ташқи хатарларни олдиндан аниқлаб бориш, ҳар ҳафта туман ва шаҳар бозорларини таҳлил қилиш, талаб прогнозини шакллантириш ҳамда ҳар чоракда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари балансини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Кейинги ҳафтадан муборак Рамазон ойи бошланиши муносабати билан ички бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим

эكاني таъкидланиб, деҳқон бозорлари ва йирик савдо комплексларида арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмақаларини бошлаш бўйича топшириқ берилди.

Қишлоқ ҳўжалигида ҳам нарх барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли даромадларини оширишга қаратилган вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Гўштарда импортга қарамликни қисқартириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди. Муборак туманида 5 миң гектар ер фойдаланишига киритилиб, маккажўхори экиш бошлангани намуна сифатида келтирилди. Жорий йил қўшимча 60 миң гектарда шу ишларни ташкил қилиш топширилди. Бу орқали қўшимча 350 миң чорва учун кафолатланган озуқа базаси яратилиши таъкидланди.

Шунингдек, ўтган йили 772 миң тонна картошка импорт қилингани қайд этилиб, жорий йилда 4,5 миллион тонна картошка ҳосили олиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тинланди.

Ў.А.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ДРАЙВЕРЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНТИРИЛМОҚДА

Президентимиз юқори қийматли маҳсулотлар бўйича инновацион ёндашувларни жорий этиш, маҳаллий кадрлар салоҳиятини ошириш ва экспортни янада кенгайтириш масалаларида муҳим топшириқ ва тавсиялар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташириқ доирасида Охангарон туманидаги "Infinity Corper Group" мис қурувлари ва фитинглар ишлаб чиқариш корхонасида ҳам бўлди.

Лойиҳа Хитой ва Германия компаниялари билан ҳамкорликда 10 гектар майдонда амалга оширилаётгани, унинг умумий қиймати 36 миллион долларга тенг экани ҳақида маълумот берилди.

Бу ерда қурилиш ишлари 90 фоизга аяқунланган, лойиҳа доирасида 14,9 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган.

Ўзбекистонда 2025 йилда 15 миллион долларлик мис қурувлар ва фитинглар импорт қилинган. Мазкур корхона тўлиқ ишга тушган, 10 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

Корхонада 300 та янги иш ўрни яратилади, 200 миллиард сўм бюджет тушумлари таъ-

минланади ҳамда 350 миллион долларлик экспорт амалга оширилади. Маҳсулотлар Бирлашган Араб Амириклири, АҚШ, Африка китъаси ҳамда Европа давлатларига етказиб берилди.

"Infinity Corper Group" Ўзбекистонда мис қурувлари ва фитинглар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича етакчи ўрнини эгаллаб, жами тўртта ишлаб чиқариш корхонасини ўз ичига олади.

Президентимиз мамлакатимизда мис қурувлар ва фитинглар ишлаб чиқариши янада ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга саноат маҳсулотлари улушини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Бундай замонавий, рақобатбардош корхоналар сонини кўпайтириш орқали ички бозор эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Охангарон туманига ташириқ доирасида "Premier" маиший техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан ҳам танишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда электротехника саноатини ривожлантириш ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Натияжада тармоққа

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи, экспорт бозорларида рақобатбардош ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгайтири.

Хусусан, Охангарондаги мазкур лойиҳа ҳам Бирлашган Араб Амириклирининг "Fajr Al Mustaqbal General Trading" корхонаси билан ҳамкорликда 10 гектар майдонда амалга оширилаётган бўлиб, умумий қиймати 30 миллион долларни ташкил қилади.

Лойиҳа доирасида 250 та янги иш ўрни яратилади, 4 миллион доллар экспорт амалга оширилади. Айни вақтда қурилиш ишлари 95 фоизга бажарилиб, 11,3 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган.

Мазкур корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Қирғиз Республикаси, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинади.

Айни пайтда бу каби корхона Ўзбекистонда иккита, Марказий Осиёда эса тўртта бўлиб, уларнинг орасида мазкур лойиҳа маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича иккинчи ўринда туради.

Келгусида мажмуа тўлиқ ишга тушининг ҳисобига 87 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутиляпти.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг иш жараёни, маҳсулотлари сифатини кўздан кечирди. Мутахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашди.

Шу ернинг ўзига корхонанинг 2026-2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури тақдимот қилинди. Мамлакатимиздаги электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кўргазмаси билан танишилди.

Президентимизга "Etech Industrial" технопаркида амалга оширилаётган ишлар ва истиқбол режалар тўғрисида ахборот берилди.

Технопарк электротехника саноатини янги босқичга олиб чиқиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт географиясини кенгайтиришга қаратилган йирик саноат кластерига айланмоқда. Технопарк тўртта ҳудуддан иборат, умумий майдони 362 гектарни ташкил этади. Ҳозирги кунда 4 та лойиҳа ишга туширилган, 27 та лойиҳа шакллантирилган. Умумий қиймати 797 миллион доллар бўлган корхоналарда

минглаб иш ўринлари яратиш ва салмоқли экспорт ҳажмига эришиш режалаштирилган.

Ишга туширилган корхоналарда мис қурувлари ва фитинглар, микропроцессор модуллари ва сим-карталар, юқори кучли ички кабеллар ҳамда маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Келгусида ўта юққа мис фобгаси, бошқарув ва СИП кабеллари, робототехника ва электрроплаталар каби янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилади.

— Электротехника саноатини иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айлантириб, кўрсаткичларни келгусида ўн миллиард долларга етказишни стратегик мақсад қилиб қўйишимиз зарур. Бунинг учун ички ва ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда соҳа учун етук, замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар электрроплаталар каби янги турдаги қаратишимиз шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулозис РУСТАМОВ,
Марҳабо ҲОЖИЎБЕКОВА,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ў.А. мухбирлари.

ҲУЖАЙРА ТЕРАПИЯСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛАДИ



ҳажми давлат ҳисобидан курсатилишини таъминлашга ҳамда уларнинг маънавий ва тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишга хизмат қилади.

Кун тартибидagi иккинчи масала "Фармацевтика фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун бўлди. У билан ҳужайра технологияси асосидаги биотех-

нология воситаларининг муомаласи қонунчилик билан тартибга солинмагани сабабли республикамизда ҳужайра терапиясини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, маҳсулотларни тиббий буюм ва тиббий техника тоифасига ажратишда аниқ мезонлар мавжуд эмаслиги сабабли уларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида юзга келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида уларнинг таърифларини халқаро талаблар билан му-

вофиқлаштириш зарурлиги белгилаб қўйилмоқда.

Қонун маҳаллий фармацевтика корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, соҳага технологиялар трансферини жорий қилиш, соғлиқни сақлаш амалиётида ҳужайра технологияси асосида ишлаб чиқарилган биотехнология воситаларини қўллаш ҳамда тиббий буюмларни импорти ва экспорти ҳажмларини оширишни рағбатлантиради.

Муҳокама аяқунлари бўйича қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ЁШЛАРНИНГ ИНТИЛИШЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТLANADI

Парламент юқори палатаси аъзоларининг мунтазам равишда ҳудудларда бўлиб, аҳоли ва ёшлар билан учрашувлар ўтказиши одат тусини олган. Ўз навбатида, пойтахтимизда жойлашган турли олий ўқув юртилари талабаларининг Олий Мажлис Сенатига келиб сенаторлар, қўмиталар ва девон фаолияти билан танишиши ҳам аъёнага айланган. Бундай учрашувларда уларнинг қизиқишлари, эзгу мақсадлари тингланади ҳамда юқори палата фаолиятидаги янгиликлар юзасидан маълумотлар берилди.

Сенат ва ёшлар

Кеча Олий Мажлис Сенати аъзоси Содикжон Турдиев Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари билан учрашди.

Мулоқот давомида юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, битирувчиларни иш билан таъминлаш, улар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва йиғит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари атрафлича муҳокама этилди, қабул қилинаёт-

ган қонунлар, давлат дастурлари ва мавжуд имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Хусусан, ёшларни рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрлаш, иқтисодиёт соҳасида илм-фан, инновация ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ёш мутахассислар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш устувор йўналишлардан бири экани таъкидланди.

Учрашув якунида сенатор ёшларни билимли, фаол ва ташаббускор бўлишга,

мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўлишга чақирди.

Шу кун Тошкент гуманитар фанлар университетини талабалари Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари билан мулоқот ўтказди.

Унда талабаларга Сенатнинг асосий фаолият йўналишлари, парламент юқори палатасининг ваколатлари, қонун ижодкорлиги жараёнлари ҳамда қабул қилинган қонунлар ижроси устидан парламент назоратининг айрим жиҳатлари ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Долзарб қонунларни қабул қилиш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш ва ижро ҳокимияти органларининг ҳисобдорлигини ошириш парламент фаолиятининг устувор вазифалари экани таъкидланди.

Яқунда талабалар Сенат қўмиталари ва девони фаолияти, шунингдек, фан, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишди.

ҚОНУНЛАРДА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ИФОДАСИ

Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва муҳокама қилинган масалалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида сенаторлар ҳудудларда учрашувлар ўтказмоқда.

Сенаторлар — ҳудудларда

Жумладан, Сенатнинг Муҳофа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонзои хизмат сафари билан Андижон вилоятида бўлиб, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳарлар Кенгашилари депутатлари билан мулоқот уюштирди.

Тадбир давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалдаги қонунчиликни тақомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир қатор масалалар муҳокама этилди. Сенатор озиқ-овқат хавф-

сизлигини таъминлаш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, спортни оммалаштириш, шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида сўз юритди.

Учрашувлар доирасида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳарлар Кенгашилари доимий комиссиялари аъзолари учун ўқув семинари ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚ ИШОНЧНИ ҚОЗОНАЁТГАН ЛОЙИҲА

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига тегишли сайлов округларига доғлиб бўлган лойиҳалар орасида биттасини депутат ташаббуси лойиҳаси сифатида қўшимча равишда доғлиб деб эълон қилиш ваколати берилди.

Иккинчи муҳим янгилик, шу йилдан бошлаб "Ташаббусли бюджет" доирасида лойиҳаларни шериклик асосида биргаликда молиялаштириш амалиёти ҳам жорий этилмоқда. Бунда аҳоли томонидан лойиҳанинг 50 фоизи ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан қолган 50 фоиз қисми молиялаштирилади. Истиқом тарихида "Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла" рўйхатида кирган маҳаллалар томонидан лойиҳа қийматининг 25 фоизи қўллаб берилса, қолган 75 фоиз бюджет маблағлари ҳисобида ажратилади.

Шериклик лойиҳалари жамоавий фойдаланишдаги инфратузилма объектлари — ички йўллар, ичимлик суви таъминоти, канализация, электр таъминоти, кўча ёритқичлари йўналишлари ва шу каби лойиҳалар оид бўлиши лозим. Бир мавсумда ҳар бир маҳаллага фақат битта лойиҳани шериклик асосида амалга оширишга руҳсат берилди.

Лойиҳага аҳоли томонидан пул маб-

лағлари тегишли мавсум учун овоз бериш босқичи бошлангунга қадар йўналтирилади. Унда маблағлар тегишли маҳалла учун оқилган транзит ҳисоб рақамларга тўловчининг исми-шарифи ва ЖШШИР рақами кўрсатилган ҳолда кириб қилинади. Шериклик лойиҳалари тегишли транзит ҳисоб рақамларга лойиҳа қийматининг 50 фоиз (алоҳида маҳаллалар учун 25 фоиз) қисми тўлиқ ўтказилганлиги вақти бўйича кетма-кетликда портал томонидан саралаб борилади.

Лойиҳа қийматининг тегишли қисминини транзит ҳисоб рақамга тўлиқ ўтказиш дастлабки лойиҳалар Давлат бюджетиде режалаштирилган маблағ доирасида портал томонидан автомат равишда доғлиблар рўйхатида ўтказилади. Лойиҳа қийматининг 50 фоизга тенг миқдорда маблағ тўплай олмаган ҳамда жорий йил учун биргаликда молиялаштиришга ажратилган маблағ етарли бўлмаганини сабабли доғлиблар рўйхатида кирмаган шериклик лойиҳалари эса аъёнавий "Ташаббусли бюджет" жараёни доирасида овоз бериш босқичига ўтказилади.

Қонунчиликда транзит ҳисоб рақамлардаги тўпланган маблағлар тўлов амалга оширилган шахсларга қайтарилиши ҳам назарда тутилган. Хусусан, доғлиблар рўйхатида киритилган шериклик лойиҳалари бўйича лойиҳа қийматининг 50 фоизидан ортққ бўлган қисми жорий йил учун биргаликда молиялаштиришга ажратилган маблағ етарли бўлмагани сабабли доғлиблар рўйхатида кирмаган шериклик лойиҳалари учун тўпланган маблағларнинг тўлиқ қисми ҳамда лойиҳа қийматининг тегишли қисминини тўплай олмаган лойиҳалар бўйича тўпланган маблағлар тўлиғича қайтарилади.

"Ташаббусли бюджет" жараёнларини тақомиллаштириш, авваламбор, аҳоли фаровонлигини ошириш ва ҳудудлардаги масалаларни тезорорлик билан ҳал этишда аҳолининг ролинини янада оширишга, бюджет маблағларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилишини таъминлашга ҳамда мазкур жараёнларда жамоатчилик ва депутатлик назоратини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий масалалар
қўмитаси раиси ўринбосари.

МОЛИЯВИЙ ЮКСАЛИШ — СТРАТЕГИК ТАНЛОВ

Эришилган натижалар замирида иқтисодий ўсишнинг ярмидан кўпи хизматлар соҳаси ҳисобига таъминлангани ҳам иқтисодиёт таркибидаги ижобий ўзгаришлар сифатида намоён бўлган. Бу соҳада рақамлаштириш, логистика, молия, ахборот технологиялари ва туризм каби йўналишларда янги имкониятларнинг очиб берилиши, хизматлар улушининг ортиши иқтисодиётнинг диверсификацияси кучаяётганини, ички бозор талабига мослашувчанлик ошганини билдиради.

Йиғилишда автомобил-созлик соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, юртимизда йилига 650 миңг дона автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга тўртта йирик корхона мавжудлиги, бу салоҳиятдан тўлиқ фой-

даланиш, кооперацияни чуқурлаштириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди.

Жорий йилда бу борадаги кўрсаткичларни ошириш вазифаси қўйилди. Бу миңглаб иш ўринлари, солиқ тушумлари ва экспорт имкониятларини кенгайтириб, аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Шу билан бирга, ички бозор талабига мослашувчанлик ошганини билдиради.

Қишлоқ ҳўжалиги техникаси ишлаб чиқариш соҳа-

сида ҳам катта имкониятлар мавжудлиги, уларнинг тўлиқ ишга солиниши натижасида эса фермерлар йилига камида 15 миңга техника сотиб олишга

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУФЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СИЁСАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Хитойнинг нуфузли «Belt and Road Outlook» журналида Ўзбекистоннинг янги тараққиёт моделига ўтиши ҳақида мақола нашр қилинди


Хитойнинг машҳур «Belt and Road Outlook» журнали саҳифаларида Хитой Халқро муаммолар академияси Евроосиё тадқиқотлари институти директори Ли Цзигонинг Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётига бағишланган таҳлилий мақоласи чоп этилди.

Эътироф

Нуфузли эксперт Ўзбекистоннинг янги тараққиёт моделига ўтаётганини, ислохотлар институционал, ижтимоий ва стратегик, энг муҳими, орта қайтмас тус олаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг «янги тараққиётлар Ўзбекистон»ни барпо қилиш, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини ҳаётага таъбиқ этишдаги ислохотчилик ролига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллифнинг таъкидлашича, инсон қадрини улуғлаш ва аҳоли турмуш сифатини оширишни асосий устувор йўналишлардан бирига айлантирувчи давлат сиёсати мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар муваффақиятининг гарови сифатида қаралади.

Ешларни олий таълим билан қамраб олишнинг изчил ўсиш кўрсаткичлари, камбағаллик даражасининг сезиларли кўрсаткичда қисқариши ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатдаги бошқа муҳим натижалар ҳам ислохотлар самарадорлигидан далolat беради. Муаллиф таъкидлаганидек, ижтимоий сиёсат модернизация стратегиясининг марказий элементи га айланди ва кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Таҳлилчининг фикрича, парламент ваколатларининг кенгайтилиши, ҳар икки палата ролининг кучайиши давлат бошқаруви тизимини янада демократлаштиришга бўлган иштирокини акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, иқти-



содий ислохотлар мамлакатнинг барқарор инвестициявий жозибадорлигини таъминлаб, Ўзбекистоннинг минтақадаги энг жадал ривожланаётган иқтисодий марказ сифатидаги имижини мустаҳкамламоқда. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши эса режалаштирилаётган очиклик сиёсатининг мантқий давоми бўлиб, иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятини мустаҳкамлайди, ўзбек экспорт маҳсулотларининг рақобатдорлигини кучайтиради.

Хитойлик экспертнинг фикрича, таъкид сиёсат курси Ўзбекистон дипломатиясининг очик, прагматик ва кўп векторли хусусиятини намоён этибди. Шу билан бирга, мақолада Марказий Осиёдаги устувор йўналиш сифатида алоҳида урғу берилган. Хусусан, минтақада чегара масалала-

рини тартибга солиш, «Марказий Осиёнинг ўзига хослиги»ни шакллантириш ҳамкорлик, барқарорлик ва интеграцияга йўналтирилган мулкдо янги минтақавий сиёсат парадигмасининг далили сифатида тавсифланди.

Мақолада долзарб экологик ва «яшил» кун тартиби муҳим ўрин тутади, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш глобал тенденцияларига мослашишга интилиши ёрқин жилонлаштирилди. Орол инкирозининг кўламини ҳисобга олган ҳолда экологик йўналиш нафақат халқаро, балки ички стратегик аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон — Хитой муносабатлари алоҳида бўлиб бағишланган. Ли Цзигонинг фикрича, алоқаларни ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтариш, Хитой билан савдо ва инвестициялар оқимининг барқарор ўсиши ўзаро ҳамкорликнинг стратегик чуқурлигини аңглатади. Хитой етакчи иқтисодий ҳамкор, технологиялар ва инфратузилма лойиҳалари манбаи, жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли муҳим геостратегик аҳамиятга эга.

Мақолада Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти атрофлича очиб берилган. Муаллиф хулоса қилганидек, кучли ижтимоий йўналиш, иқтисодий модернизация, институционал мустаҳкамлаш ва фаол ташқи сиёсатни ўзига муҳасам этган ислохотлар мамлакат тараққиётининг янги босқичи учун мустаҳкам пойдевор яратди.

«Дунё» АА. Пекин

Муносабат

Президентимиз раислигида ўтказилган тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга бағишланган йилгилиш мамлакат иқтисодиёти янги босқичга ўтаётганини яққол намоён этмоқда.

РАҚАМЛАР ИЖОБИЙ, АММО ЁНДАШУВНИ ТУБДАН ЯНГИЛАШ ЗАРУР

Айниқса, қишлоқ ҳўжалигида даромад ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши иқтисодий таркибий жиҳатдан янгилашни аңглатади.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим тармоқларда қўшилган қиймат даражаси хали ҳақ пастлигича қолмоқда. Сўнги уч йилда саноатда умумий қўшилган қиймат улуши ошган бўлса-да, автомобилсозлик, электр ускуналари, озиқ-овқат, чарм ва кимё саноатида бу кўрсаткич қутилган даражага чиқмаган. Ваҳоланки, ушбу соҳаларга катта миқдорда инвестиция киритилган ва янги қувватлар ишга туширилган.

Бу ҳолат инвестицияларнинг самарадорлиги, технология янгилашни суръати ва бозор мезонларига мослашиш даражаси юзасидан жиҳдий таҳлил талаб қилади. Масалан, қишлоқ ҳўжалигида агротехнология ўзгараётган бир пайтда кимё саноатининг маҳсулот турлари кўпайиб кетди, диверсификация қилишда сустанлик йўли кўяётгани тизимли муаммо мажбуриятини кўрсатади.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар — янги экспорт йўналишларини топиш, сунъий интеллект ва рақамлаштиришни жадал жорий этиш, «стартлап клуб»лар ташкил қилиш, ёш мухтаassisларни ишлаб чиқаришга йўналтириш — иқтисодий

ўсишнинг янги драйверларини шакллантиришга қаратилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инвестиция лойиҳаларининг қўшилган қиймат яратиш самарадорлиги бўйича аниқ индикаторларини жорий этиш, тармоқ раҳбарларининг инновация ва технология янгилашни бўйича шахсий масъулиятини кучайтириш, саноат тармоқларида энерготехамкор ва юқори даражали маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш масалалари жуда муҳим бўлиб, бу борада парламент назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Зеро, бугунги вазифа иқтисодий ўсишни сақлаб қолиш эмас, балки унинг сифатини оширишдир. Рақамлар ижобий, аммо барқарор ва юқори сифатли ўсишга эришиш учун бошқарув маданияти, технология ёндашувини тубдан янгилаш зарур.

Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Хусан ЯРҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



«АРКТИКА ҚЎРИҚЧИСИ» МИССИЯСИ

«Reuters» АА хабарига қараганда, НАТО ўз ҳарбийларининг сонини Арктикада кенгайтириш бўйича «Arctic Sentry» («Арктика қўриқчиси») миссияси бошланганини эълон қилди.

«Арктика қўриқчиси» операцияси альянснинг ўз аъзолари ҳавфсизлигини таъминлаш ва дунёнинг стратегик жиҳатдан энг муҳим ва экологик мураккаб минтақаларидан бирида барқарорлиқни сақлашга содиқлигини таъкидлайди», деди АҚШ Ҳарбий-ҳаво кучлари генерали, Европадаги НАТО кучлари бош қўмондони Алексус Гринкевич.

«Bloomberg» маълумотларига кўра, Арктика минтақасида ҳавфсизлик мақсадларини кузатиш ва химоя қилиш учун «Арктика қўриқчиси» миссиясини ташкил этишни Германия таклиф қилган. «Reuters» муҳбири эса НАТО Арктикадаги миссиясини АҚШ Президенти Доналд Трамп ва альянс бош котиби Марк Рютте ўртасида Давосда бўлиб ўтган музокаралардан кейин режалаштирган, деб ёзмоқда.

РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев янги Конституцияни қабул қилиш масаласи бўйича умумхалқ референдумини 15 март куни ўтказишга тўғрисида фармон имзолади.

Аввалроқ, яъни 10 февраль куни Конституциявий комиссия давлат раҳбарига янги Конституциянинг якуний лойиҳасини тақдим этган. Лойиҳани барча партилар қўллаб-қувватлаган.

Таклиф қилинаётган конституциявий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари парламент ролини кучайтириш ҳолда ҳокимият тармоқлари ўртасида ваколатларни қайта тақсимлаш, ҳукумат устидан парламент назорати механизмларини кенгайтириш, суд тизимининг мустақиллигини ошириш ва конституциявий назорат институти ривожлантиришдан иборат. Бундан ташқари, лойиҳада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини аниқлаштириш ҳамда кенгайтириш, шунингдек, номарказлаштириш элементлари — маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш кўзда тутилган.

ПАРВОЗДАГИ НОСОЗЛИК ВА УЧУВЧИНИНГ ЖАСОРАТИ

10 февраль куни Сомалида йўловчи самолёти Могадишо аэропортидан ҳавога кўтарилганидан бир неча дақиқа ўтиб, унда техник носозлик аниқланган. Ҳодиса «Starsky Airlines» авиакомпаниясининг «Fokker 50» самолёти билан содир бўлди.

Экипаж дарҳол диспетчерга муаммо ҳақида хабар берган ва самолётни қайтаришни сўради. Аммо у учун-қўниш йўлгада тўхтаб олманган ва натижада фавқулодда сувга қўнишга мажбур бўлди. Самолёт бортида 50 нафар йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси бор эди.

Авиакмпания вакилининг таъкидлашича, учувчининг тежор ҳаракати бортидаги тарҳи одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишда ҳал қилувчи роль ўйнаган.

— Фавқулодда қўнишга олиб келган техник носозлик сабабларини аниқлаш учун тергов-текширув олиб борилмоқда, — деди «Starsky Airlines» вакили Ҳасан Муҳаммад Аден.

МАТБУОТДАГИ ТАНҚИДНИНГ КУЧИ

Италияда бўлиб ўтадиган киши Олимпиада ўйинлари арафасида Халқаро олимпия кўмитаси буюртмасига кўра хусусий онлайн-дўкон аввал бўлиб ўтган олимпиадалар рамзлари туширилган футболкалар коллекциясини сотувга чиқарган эди.


Жумладан, коллекцияда Афина, Рим, Лос-Анжелес, Сеул, Сидней ва бошқа шаҳарларда ўтган олимпиадалар мотивлари тақдим қилинган. Коллекция тавсифида шундай дейилган: «Ҳар бир ўйин инсонпарварлиқни улуғлаш учун дунё бир жойга тўпланган тарихдаги бетақдор вақт ва бетақдор жойни акс эттиради».

Германиянинг «Bild» газетаси вакили коллекцияда 1936 йилги Олимпиаданинг расмий плакати туширилган футболка ҳам сотилаётганига эътибор қаратди. Мухбир билан суҳбатда Берлин федерал ўлкаси парламенти депутати, «Иттифок-90/Яшиллар» партияси вакили Клара Шедлих 1936 йилги Олимпиада нацист режимиининг пропагандасида марказий висида бўлганини эслатиб. Бу танқиддан сўнг онлайн-дўкон 11 февраль куни Германияда ўтказилган 1936 йилги Олимпиада рамзлари туширилган футболкалар сотувдан олиб ташлади.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Кулайлик Гулистоннинг шарқу фарбини боғлайдиган иншоот

Гулистоннинг маҳаллий аҳоли тилида «Маҳалла» деб юритилувчи қисми шаҳар маркази билан 2 та автомобиль ва 1 та пидедалар кўприги орқали боғланган. Чунки ўртада халқаро аҳамиятдаги темир йўл бор.



Пидедалар кўприги темир йўл устига қурилган бўлиб, анчанин баланд: қариялар, ногиронлиги борлар ва бошқа жисмоний имконияти чекланганлар ҳаракатланиши қўйин. Шаҳарнинг бу икки ҳудудига автоуловлардаги борди-келди учун эса анча-мунча вақт ва пул сарфлашга тўғри келади. Ҳолбуки, темир йўл ажратиб турган оралик масофа 200 — 300 метрнинг нари-берисиде, холос. Тўғри, «Гулистон» темир йўл станциясининг жануарида ер усти пидедалар йўли бор. Лекин у шаҳарнинг «Маҳалла» қисмидан ва жамоат транспорти қатновидан четда. Қолаверса, мазкур пидедаларни ўтказиш йўлига поездлар ҳаракати вақтида ёпиқ бўлади.

Гулистоннинг айна ҳудудида пидедалар учун кулайлик яратиш масаласи бир неча йилдан буён долзарб бўлиб келаётган эди. Шукрки, ушбу муаммо тез орада ўзининг мақбул ечимини топиши кутиляпти.

Ҳозирги кунда шаҳарнинг бир неча маҳаллалари жойлашган фарбий қисми — «Маҳалла» маззеси ва шарқий қисми — шаҳар маркази ўртасидаги темир йўлдан ер ости йўли — туннель қуриш лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Шу билан бирга, темир йўл устига қурилган пидедалар кўприги чикши-тушиш эскалаторларини ўрнатиш чоралари ҳам қуриляпти.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

АДАБИЙ МЕРОС ВА ДАВЛАТЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шарқ цивилизацияси тарихида бутун бир даврнинг рамзи сифатида намоён бўлади. Унинг шахсиятида давлат арбоби ва саркарданлик қатъияти, ислохотчининг жасорати, шоирнинг нозик калби ҳамда мутафаккирининг кенг тафаккури уйғун ҳолда жамланган. Бобурни фақат бобурийлар сулоласи асосчиси ёки «Бобурнома» муаллифи сифатида эслаш унинг тарихий миссиясини тўла ифодаламайди. У Марказий Осиёдан Жанубий Осиёгача бўлган улкан ҳудудни боғлаб, халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасида мустаҳкам маънавий ва сиёсий кўприк барпо этган нодир шахс эди.

Мулоҳаза

Улғу бобомиз сиёсий парокандалик ўрнида тартиб-интизом, беқарорлик ўрнида эса барқарорлик госясини қарор топтирди. Унинг маъмурий ислохотлари шаҳар маданиятининг юксалиши, савдо-сотик йўлларининг фаоллашуви ва минтақавий иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамлашишига хизмат қилди. Шу боис Бобур фақат саркарда эмас, балки давлат ва жамиятнинг ислохот бунёдкор сифатида ҳам тарихда қолди.

Давлат бошқарувида ҳарбий интизом, адолат ҳамда масъулият тамойилларини устувор деб билган Бобур ҳокимиятини қонун ва тартиб орқали мустаҳкамлашга интилд. Солиқ йиғиш тизимини тартибга солиш, ер муносабатларини аниқ қондалар асосида йўлга қўйиш ва маъмурий бошқаруви тақомиллаштиришга қаратилган савдо-ҳаракатлари давлат тизимини учун мустаҳкам замин яратди.

Бобурийлар давлати таркибига кирган ҳудудлар сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш даврини бошидан кечирди. Савдо йўллари ҳавфсизлигининг таъминланиши,

шаҳарлар атрофида қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши, ҳунармандчилик марказларининг шаклланиши минтақада иқтисодий интеграцияни сезиларли даражада кучайтирди. Бу жараён Жанубий Осиёни халқаро савдо тизимига фаол жалб этиб, минтақанинг стратегик аҳамиятини янада оширди. Шу маънода, Бобур ва унинг авлодлари нафақат сиёсий ҳукмдорлар, балки минтақанинг иқтисодий-маданий тараққиётига йўл очган тарихий куч сифатида ҳам баҳоланади.

Маданий жиҳатдан бобурийлар даврида туркий, форсий ва хинд аъналарини уйғунлашган мулкдо янги меъморий ҳамда бадиий услуб шаклланди. Бу синтез, айниқса, қад ростлаган қасрлар, масжидлар ва боғлар кўйфасида ёрқин намоён бўлади. Гарчи айрим йирик меъморий иншоотлар Бобурдан кейинги ҳукмдорлар даврида барпо этилган бўлса-да, уларнинг илдизиде айнан Бобур томонидан яратилган давлат-

чилик аъналарини ва маданий муҳит ётар эди. Шунингдек, бобурийлар даврида маданий-диний бағрикенглик асосланган сиёсат шаклланди. Турли дин ва миллат вакилларининг давлат хизматида жалб этилиши жамиятда ижтимоий адолат ҳамда маънавий инновацияни таъминлади. Бу таъриба ҳозирги кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятлар учун ҳам тарихий сабоқ ҳамда амалий намуна сифатида қимматли аҳамият касб этади.

Бобурнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига назар ташлар эканмиз, унда геосиёсий мослашувчанлик ва стратегик фикрлаш, маданий хилмаҳиликни давлатчилик маънавлари билан уйғунлаштириш, маънавий ҳамда эстетик қадриятларни сиёсий жараёндан ажратмаслик каби муҳим жиҳатлар кўзга яққол ташланади. У куч ва қонунга танган ҳукмдор бўлиш билан бирга, маданият, санъат ва маънавиятни давлат барқарорлигининг ажралмас қисми сифатида кўра олдир нодир шахс эди. Айнан шу ёндашув Бобур давлатчилигини фақат ҳарбий ғалабалар билан эмас, балки маънавий мазмун билан ҳам бойитди.

У яратган сиёсий ва маданий муҳит асрлар давомида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига чуқур таъсир кўрсатди. Бугунги кунда сақланиб қолган тарихий ёдгорликлар, адабий мерос ва давлатчилик аъналарини орқали бу таъсирнинг яққол хис этиш мумкин. Мазкур мерос ўтмиш хитираси эмас, балки ҳали ҳам яшаб келаётган тарихий воқелиқдир.

Шундан сўнг саволларимизни ёзма қурилишга келтириб, инспекциянинг ахборот хизмати раҳбарига бердик. Аммо ун кун гудик ҳамки, саволларга жавоб ололмадик. Ниҳоят учинчи кун матбуот котиби узромуз оҳанг-да раҳбари энди расмий хат талаб қилаётгани, жавобни ҳам хат орқали беришини айтди.

Биз инспекция раҳбарига мамлакатимизда олиб борилётган очиклик сиёсати, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддаси, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Журналистик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар-



да белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларимизни айтиб, тортиш ўтирмадик. Зеро, бундан фойда йўқлигини у билан бўлган дастлабки суҳбатдаёқ аңглангандик. Шу боис Қашқадарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи Жамолдин Тошиновга саволларимизни расман ОАВ орқали очик беришга қарор қилдик. Саволлар мазмунини эса ўша-ўша: биринчи, беш йил олдин бир

дик. Инспекция бошлиғи Жамолдин Тошинов бино мустаҳкам экани, тадбиркорга қурилиш давом эттириш учун инспекция томонидан тегишли рухсатнома берилганини айтган бўлса-да, тафсилотларга тўхталганини истамади. Барча саволларга ўзининг матбуот котиби орқали жавоб бера олишини билдирди.



қисми қулаб тушган бинода қурилиш давом эттириш учун расман рухсат берилганми? Иккинчи, агар рухсат берилган бўлса, бинонинг қолган қисми мустаҳкамлиги қайси мезонлар асосида текширилди? Учинчи, бино мустаҳкам, сифатли қурилиш материалларидан тикланаётган бўлса, бир қисми нега қулаган эди? Сабаблари ўрилганими? Қашқадарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси масъуларида саволларимизга аниқ ҳамда асосли жавоб кутамиз.

да белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларимизни айтиб, тортиш ўтирмадик. Зеро, бундан фойда йўқлигини у билан бўлган дастлабки суҳбатдаёқ аңглангандик. Шу боис Қашқадарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи Жамолдин Тошиновга саволларимизни расман ОАВ орқали очик беришга қарор қилдик. Саволлар мазмунини эса ўша-ўша: биринчи, беш йил олдин бир

Раҳматилло ШУКУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БИР ЁНИ ҚУЛАГАН БИНОНИНГ ҚОЛГАНИ БАРДОШЛИМИ?



қисми қулаб тушган бинода қурилиш давом эттириш учун расман рухсат берилганми? Иккинчи, агар рухсат берилган бўлса, бинонинг қолган қисми мустаҳкамлиги қайси мезонлар асосида текширилди? Учинчи, бино мустаҳкам, сифатли қурилиш материалларидан тикланаётган бўлса, бир қисми нега қулаган эди? Сабаблари ўрилганими? Қашқадарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси масъуларида саволларимизга аниқ ҳамда асосли жавоб кутамиз.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).



Ҳазрати Бобурнинг шону шухрати ва қадр-қимматини жойига қўйиш, унинг бебаҳо меросини халқимизга янада кенгроқ таништириш, бутун дунёга тарғиб этиш ҳурматли олим ва адибларимизнинг, ҳаммамизнинг муҳим бурчимиз ҳисобланади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти



РОСТ СЎЗ СОҲИБИ

"Бобур Шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёрқин намоёндаларидан биридир. Унинг шахси олижаноб инсон ва улуг шоҳга мансуб бўлган фазилатлардан таркиб топган..."

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум, Олам элидин турфа ситамлар кўрдум. Ҳар ким бу "Вақоеъ"ни ўқур, билгайким, Не ранжу не меҳнату не гамлар кўрдум.

Қизи Гулбаданбегимнинг эътирофи эътиҳа, Амир Темур замонидан буюн ўтган подшоҳлар ичиди у каби нотинч бўлгани йўқ. Ўзи иқроор бўлиб айтганидек, 11 ёшидан сўнг бутун ҳаёти давомида Рамазон ҳаётини икки марта бир ерда кутиб олиш насиб этмаган.

Ҳар ёнғаким азм этсам, ёнимда борур меҳнату, Ҳар кимки юзлансам, ўтруга келур қайғу. Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату гам кўрган, Осийише кам кўрган мендек яна бир борму?!

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди, профессор.

Ҳикматлар

Асру кўп эмиси журъату ҳиммат сизга, Рўзй қилгай Худой нуерат сизга. Мардоналиғинизни бори эл билди, Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга!

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топгусидур, Ҳар кимки жафо қилса, жафо топгусидур, Яхши киши кўрмай ёлмоғай ҳариз, Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топгусидур!

Файзулла ИСКАНДАРОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

ВОҚЕИЙ МИСРАЛАР

Мирзо Бобурнинг лирик мероси миқдор жиҳатдан унча катта эмас. Улар орасида эса рубоийлар алоҳида аҳамиятга эга. Бизга маълум рубоийларнинг сони 230 та. Бу эса Бобур девонидаги бошқа жанрларга нисбатан кўп. Савол туғилади: шоир нега рубоийга кўпроқ мурожаат қилган?

Тадқиқ



"Бобурнома"га ишланган миниатюра.

Фикримизча, Мирзо Бобурнинг ҳаёти давомида хотиржам ўтириб, тинч шароитда ижод билан шуғулланиш имкони кам бўлган. Аммо шеърят унинг қалб амри ва истаги эди. У ижодий тугён билан яшаган. Бироқ муттасил ижод билан шуғулланишга кўплаб ҳарбий юришлар, жанглар, давлат бошқаруви ишлари халақит бериб турган.

Ўшар рубоийлар ҳам маъжуд. Масалан, бир шеърда ўз дўстларидан бирига мурожаат этиб, агар аҳбобга хат ёзадиган бўлса, уни ҳам тилга олишни сўрайди. Хатни келтирувчи қосид кўнгулни шод қилишини истайди:

Аҳбобга ҳар хатки, савод этгайсен, Бизни доғи ул битикда ёд этгайсен. Мақсудки, қосиде агар келса бу ён Бир нома била кўнгулни шод этгайсен.

Мирзо Бобур девон тартиб қилгани маълум. Бу девонни ўзининг шоир дўстларидан бирига совғага бериб юборган, деган тахмин ҳам бор. Лекин камтарлик билан бу девоннинг тартибсиз, жадвалсиз, лаҳзисиз ва безаксиз эканини ҳам айтиш мумкин. Яъни девонга хос тўлиқ хусусиятларга эга эмас:

Девонима не рабғу не тартибдурур, Не жадвалу не лавғу не тахтибдурур. Гар санга йибдорим ани, айб айламаким, Девонингни тиларга тақрибдурур.

Бу рубоий "Бобурнома"даги "Фўлод Султонга девонимни йибордим..." деган маълумоти ва бу девонни атрофдагиларга Бобурнинг ўзи жўнатганини тасдиқ этади. Шоир рубоийлари катта тарихий воқеалар, ҳодисаларга ҳам алоқадор. Мисол учун, "Бобурнома"да Ҳиндистон фатҳига бағишланган "Фатҳнома" остига ўшбу рубоий ёзиб қўйилгани қайд этилади:

Ислому учун оворам ёзий бўлдум, Кувфору ҳунуд ҳарбосозий бўлдум. Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид бўлмоққа, Ал-миннату-лиллаҳки, гоғий бўлдум.

Ёки мамлакат ишларининг бориши, уларнинг жаҳд билан амалга оширилгани, энди бу ишларни давом эттирувчи шахсга ишонч билан топширилмоғи яна бошқа бир рубоийнинг мазмунини ташкил қилади:

Йиллар тилаб, ишни қобу сахлаб турдум, Юз жаҳд била ишни мунга еткурдум. Мардона бўл, эми яхшидур иш келиши, Тенгрига сени, элди сенга топшурдум.

Тахминимизча, шоир бу рубоийни ўғли Ҳумоюн мирзога бағишлаган. Негаки, у тахт вориси эди.

Мирзо Бобур рубоийлари лириканинг нодир намуналари, гўзаллик, вафо, самимий муҳаббат туйғуларини улугловчи юксак бадиият тўла ижод маҳсуллари. Айни замонда бу асарлар ўзбек адабиёти тарихида рубоий шеърининг тарихий тарққийетидан ҳам дарак беради. Шу маънода, Мирзо Бобур ўзбек шеърятдаги илгор бир аънани — рубоийшуносликни янги босқичга олиб чиққ олди.

Отабек ЖўРАБОВЕВ, филология фанлари номзоди, доцент.

АРМОНЛИ ДУНЁ

Тарихдан маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳинд ўлкасида катта империяга асос солган. Шунингдек, бадиий ижод, илм-фан билан шуғулланиб, шеър у газаллар, мемуарлар ёзган. Айниқса, Мирзо Бобур учун адабиёт алоҳида кўнгул иши эди. Шеърят ҳаётда етолмаган орзулари, эриша олмаган мақсадлари ҳамда ўзи "юз қаролиг" деб ҳисоблаган Ватандан олисда яшашда таскин ҳам эди:

Фикр

Даврон мени ўтқарди сару сомондин, Ойирди мени бир йўла хону мондин, Гаҳ бошимга тож, гаҳ балои таъна, Неларки бошимга келмади даврондин.

Дарҳақиқат, инсоннинг бутун борлиғи, саодати Ватан ичра, она диёр билан бирга деб билган Мирзо Бобур ана шу бахтдан мосуво эди. Шу боис ўшбу шеърда "гарчи шох бўлсам-да, даврон мени хонумонимдан — юртимдан айирди, бошимдаги тож эса мудом таъна бўлди", дея ёзади.

Маълумки, Бобур ва унинг авлодлари Ҳинд диёрида кўплаб бунёдкорлик ишларига, маданий-маънавий янгилашларига бошчилик қилган, бу ўлкани дунёдаги энг гўзал мамлакатлардан бирига айлантирган. Табиийки, бу тарихий жараёнларда Мирзо Бобурнинг қатъияти ва шижоати муҳим ўрин тутган.

Гарчи бобурийлар Ҳиндистонни Ватан сифатида маскан тутиб, 332 йил давомида бошқарган бўлса-да, Бобур ўз Ватанига қайтишга бир неча бор уринади. Бу йўлда кураш олиб боради. Бир рубоийсида агар имкон бўлса, ўзга юрда "бир лаҳзаю бир нафас" туришга "қарори" йўқлигини таъкидлайди, лекин "боруримда ихтиёрим йўқтур" деб тақдир ишларига рози ҳам бўлади. Аммо умрининг сўнгига қадар Ватан ишқи, юрт соғинчи билан яшаб ўтади. Бир нафас ҳам юртини унутмайди. Хусусан:

Андихоним қолди мани, Анда жоним қолди мани,

дея фарзандларига, авлодларига, қолаверса, бугунги ёшларимизга инсон учун тўғилган юртиндан бошқа муқаддас Ватан йўқлигини бот-бот ўқтиради.

Файзулла ИСКАНДАРОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ТИКЛАНМОҚДА

Бобур нафақат адиб, балки кучли давлат асосчиси ҳам эди. У Ҳиндистонда бобурийлар салтанатига асос солиб, мустақкам ва самарали бошқарув тизимини яратди. Ўшбу салтанат кейинги асрларда минтақа тараққиётида муҳим ўрин тутди. Тарихий адабиётларда, афсууски, Ҳиндистонда барпо этилган бу давлат кўпинча "Буюк мўғуллар империяси" номи билан тилга олинади. Мазкур атаманинг қанчалик асосли экани эса бугунги кунда ҳам илмий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Мушоҳада

Бу масала юзасидан хорижлик, замонавий тарихчилардан Аабҳас Малдахияр ўз тадқиқотларида муҳим мулоҳазаларни илгари суради. Уни, аввало, ўзларини темирүйлар деб атаган сулоланинг нега тарихда "мўғуллар" номи билан машҳур бўлиб кетгани масаласи қизиқтиради ва бу ҳолат чуқурроқ тадқиқот олиб боришга ундайди. Олим қатор бирламчи ва иккиламчи манбалар билан танишиб чиқганини қайд этади.

Аабҳас Малдахияр 2024 йилда нашр этилган "Babur. The Chessboard King" асарига Бобур "Бобурнома"да "мўғул" атамасини 400 мартадан ортиқ қўллаганини таъкидлайди. Бироқ муаллиф фикрига кўра, Бобур бу атамани

ўз сулоласига нисбатан эмас, балки алоҳида гуруҳ ва қабилаларни ифодалаш учун ишлатган. Аксинча, асарда Бобурнинг мўғуллар ҳақида ижобий фикр билдирмагани, бир неча ўринда эса ўзини аниқ тарзда темирүй шаҳзода сифатида қайд этгани кузатилади. Сўнгги йилларда Бобур ва темирүйлар тарихига доир масалаларга хорижий илмий муҳитда янги ҳақиқат, ҳолис ва манбаларга таянган ёндашувлар кўнайиб бораётгани, шубҳасиз, қувонарли ҳолат. Бу ёндашув миллий тарихимизни ҳолис ва ҳаққоний тарзда аниқлаш ҳамда уни жаҳон миқёсида тўғри талқин этишга хизмат қилмоқда.

Юлдаш ЗАЙНИЕВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташч докторанти.

«БОБУРНОМА» — МУКАММАЛ ЭНЦИКЛОПЕДИК АСАР

"Бобурнома" нафақат XV-XVI асрлар чегарасида яратилган адабий ёдгорлик, балки тарих, этнография, лингвистика, география, ботаника ва зоология соҳаларига оид ноёб илмий манбадир. Унда муаллиф Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон табиати ҳамда аҳолиси ҳақида юқори аниқликдаги маълумотларни келтиради. Унинг этнографик ва топографик кузатувлари муфассаллиги ва ишончлилиги билан ажралиб туради. Шу боис "Бобурнома" минтақанинг физик ва иқтисодий географияси бўйича ноёб бирамчи манба ҳисобланади.

Ҳайрат

Асарда Марказий Осиё фақат сийёсий курашлар майдони эмас, балки чуқур ўрганилган географик макон сифатида тасвирланади. Худуднинг рельефи, иклими, сув ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шунингдек, иқтисодий ва шахарлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Муаллиф гидрографияга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, Сирдарё, Амударё, шунингдек, ирригация учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кичик дарёлар ва ариқлар ҳақида ҳам маълумотлар беради. У қайд этган кўплаб географик номлар ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Кобулдан Марказий Осиё ва Ҳиндистонга олиб борадиган карвон йўллари, тоғ сўқмоқлари ва довлонлар ҳақидаги қайдар, айнақса, катта илмий аҳамиятга эга. Уларнинг аниқлиги XIX асрда европалик тадқиқотчиларни ҳам ҳайратга солган. Жумладан,

1832 йилда Мирзо Бобур қабрини зиёрат қилган сайёх Александр Бернс "Бобурнома"дан йўлқурсаткич сифатида фойдаланган ва асарда тавсифланган йўллар ўз даври топографияси билан тўлиқ мос келганини таъкидлаган. Мирзо Бобур ўз асарига қишлоқ ҳўжаҳали, хунарманчилик, савдо ва табиий ресурслар борасида ҳам батафсил ёзади. У қайси оазисларда қандай эканлар яхши ўсишини (Бу-хорода қовун, Қонибодомда бодом, Марғилонда ўрик), шунингдек, Андижонда нефть, Кес худудида (Наманган вилоятидаги Қосонсой тумани) мис, Хўжанд атрофида фируза мавжудлигини қайд этади.

Таникли генетик, ботаник ва селекционер Н. Вавилов Мирзо Бобурни "ўз даврининг биринчи ботаниги ва натуралисти" деб атаган. У маданий ўсимликлар келиб чиқиш марказлари назарисини ишлаб чиқишда Фарғона водийсидаги қовун, узум, анор ва ўрикнинг қадимий навлари ҳақида Бобур келтирган маълумотларга таянган.

Бобур табиатни фақат кузатувчи сифатида эмас, балки амалий тадқиқотчи сифатида ҳам намоён этган. У ўсимликларни интродукция қилиш ва иқлимга мослаштириш билан фаол шуғулланиб, Кобул, Агра, Дехли ва Кашмирда боғлар барпо этган. Турли минтақаларга қовун, узум, мева ва манзарали ўсимликларни олиб келган ҳамда уларнинг мослашуви натижаларини қайд қилиб борган.

Шу маънода, "Бобурнома" оддий хотиралар тўплами эмас, балки ўз даврдан анча илгарилаб кетган мукаммал энциклопедик асардир. Бу у бугунги кунгача ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган. Бу эса Мирзо Бобур меросининг Шарқ табиий фанлари тарихи учун беқиёс аҳамиятга эгаллигини яққол тасдиқлайди.

Любовь КҮЧҚОРОВА, Ўзбекистон Миллий университети профессори, биология фанлари доктори.

Қоҳира университетиди Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва маданияти хонаси ташкил этилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳриратта келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислому Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев. Мусаҳҳих — С. Исмолов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.12 Тошхирлиди — 00.30 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

